

Юридик департамент
Методология бошқармасида
2022 йил 14 июн даги
502 -сон билан
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Банкқарувининг
2022 йил 14 июн даги
502 -сонли қарорига
ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, унинг филиаллари ва амалиёт бошқармалари ва бўлинмаларига (кейинги ўринларда Банк) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуйидагилар Банкдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Банк фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

3. Банкдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйдагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутди:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Банкда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Банкдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Банкнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Банк тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Банк функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жараён – режалаштирилган натижаларни олиш учун маълумотлардан фойдаланадиган ўзаро боғлиқ ёки ўзаро таъсирли ҳаракатлар тўплами;

менежмент тизими – сиёсат ва мақсадларни ишлаб чиқиш учун ташкилотнинг ўзаро боғлиқ ёки ўзаро таъсир қилувчи элементлари ва ушбу мақсадларга эришиш учун жараёнлар тўплами;

тартиб-таомил – Банк функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Банкнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

самарадорлик – режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш даражаси;

хавф – ноаниқлик таъсири;

порахўрлик – амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда, тўғридан-тўғри ёки билвосита ва жойлашган жойидан қатъи назар, шахснинг вазифаларини бажариши муносабати билан ҳаракат қилган ёки ҳаракат қилишдан бош тортган шахс учун ҳар қандай қийматни таклиф қилиш, ваъда қилиш, бериш, қабул қилиш ёки талаб қилиш;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

қолдиқ хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чоралар қабул қилинганидан сўнг, қолган хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Банк, унинг ҳамкорлари, истеъмолчилари ва коррупцияга қарши менежмент тизими билан боғлиқ бошқа манфаатдор томонлар номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Банк томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

таҳлил – мақсадларга эришиш учун объектнинг мувофиқлиги, етарлилиги ёки самарадорлигини аниқлаш;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси – Банкдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Банк функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига оловчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийлаштирилган соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

муҳим нукта – бу жараёнинг алоҳида элементи бўлиб, унинг мазмуни ва тузилишининг хусусиятлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун объектив имкониятлар яратади. Муҳим нуктанинг асосий белгиси шундаки, ходим ёки мансабдор шахс нафақаларни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг учун коррупцион ўзаро муносабатлар амалга оширилиши мумкин;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Банкнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда Банк функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига оловчи ҳужжат.

6. Банкдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс-назорат департаменти томонидан Банк раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс-назорат департаменти қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

таркибий тузулмалар раҳбарларини жалб қилган ҳолда Банкда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Банкдаги таркибий тузилмалар раҳбарларига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади;

бош офис, филиаллар ва амалиёт бошқармалар ва бўлимларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Банкнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

Банк бошқарув Раисига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур ишлаб чиқади ва Банкнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари билан келишади;

Банкда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чоратадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни бошқаришни режалаштириш

8. Банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни Бошқарув Раисининг тегишли буйруғи асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг умумий муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

9. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Банк ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартибтаомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

Бу функцияларнинг бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган ташқи ва ички омилларни ҳисобга олади.

10. Коррупция хавфини аниқлашда муҳим нуқталар аниқланади. Аниқланган коррупция рисклари 1-иловадаги жадвал кўринишида коррупция хавфи харитаси шаклида тузилади.

11. Комплаенс-назорат департаменти ушбу Услубиётга 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Банкнинг таркибий тузулмалари, филиаллари, амалаиёт бошқармалари ва бўлимларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Ички назорат тузилмасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак

12. Банкнинг таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси бўлинмалар раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилиб, Комплаенс-назорат департаментига Банк учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади.

13. Комплаенс-назорат департамент ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

14. Банк бош офиси, филиаллари, амалиёт бошқармалари ва бўлимларининг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс-назорат департаменти Банкнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

15. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Банк Комплаенс-назорат департаменти тақдимномасига асосан Банк бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади.

3 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш

16. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Банкнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Банкнинг ички ҳужжатлари (мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

манфаатдор томонлар, истеъмолчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Банкнинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Банк фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Банк ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

17. Комплаенс-назорат департаменти коррупция хавфининг таъсири (оқибат даражаси) ва юзага келиш эҳтимоли (эҳтимоли) асосида коррупция хавфи даражасининг мезонларини белгилайди.

18. Коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ходисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 2-иловаси 2.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётининг 2-иловаси 2.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёти 2-иловасидаги 2.1 расм).

19. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг пастдан юқори бўлган даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Комплаенс-назорат департаменти ушбу Услубиётининг 3-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп эҳтимоли мавжуд бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

20. Банкнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп эҳтимоли мавжуд бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс-назорат департаменти тақдимномасига асосан Банк бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади.

4 боб. Коррупция хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширилишини назорат қилиш

21. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатари паст даражадан юқори бўлган тартиб-таомиллар учун Комплаенс-назорат департаменти коррупциявий хавф-хатарини минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни шакллантиради.

22. Чора-тадбирлар:

коррупция хавфига мос ва адекват бўлиши ҳамда Банк мақсадлари ва коррупцияга қарши бошқарув тизимига мос келиши керак;

қонун ҳужжатлари талабларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ва шартнома талабларини ҳисобга олиш.

23. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларни белгилашда:

ҳар бир чора Банк ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

24. ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

25. Банкнинг коррупциявий хавф-хатарига энг кўп эҳтимоли мавжуд бўлган лавозимлар рўйхатини юритиш Услубиётининг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

26. Чора-тадбирлар кейинги мақсадлар учун қабул қилиниши мумкин:

а. Бошқарув жараёнларини ташкил этиш, тартибга солиш ва автоматлаштириш, масалан:

- 1) муҳим нуқталарда жараёнларни батафсил тартибга солиш;
- 2) муҳим нуқталарда жараёнларни автоматлаштириш;
- 3) битта мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилишнинг бартароф қилиш;
- 4) қарорни ижро этиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш вазифалари бир шахс ёки манфаатдор шахслар томонидан амалга оширилиши истисно қилиш (манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш).

б. назорат чораларини такомиллаштириш, масалан:

- 1) келишувларни комплекс текширувдан ўтказиш ва аудит қилиш;
- 2) норматив ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш;
- 3) манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни хабардор қилишнинг қўшимча механизмларини ўрнатиш.

27. Банкдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Комплаенс-назорат департаменти томонидан амалга оширилади.

Чора-тадбирларни бажарилишини мониторингини ижро назорат электрон тизимлари орқали жойларда раҳбарлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

28. Чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар чора-тадбирлар туганлангандан сўнг, Комплаенс-назорат департаментига тақдим этилади.

29. Коррупцияга қарши курашиш дастури ушбу Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг дастури тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

30. Банкнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс-назорат департаменти томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Банк бошқаруви Раиси томонидан тадиқланади.

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни қайта кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш

31. Банкда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Банк Бошқаруви Раисининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

32. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

33. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Комплаенс-назорат департаменти Банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 5-иловага мос шаклда сўровнома юборади.

34. Комплаенс-назорат департаменти таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган сўровномаларни йиғади ва таҳлил қилади. Бундай таҳлил натижасида қолдиқ коррупция рисклари даражасини минималлаштириш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши мумкин.

6 боб. Якуний қоидалар

35. Зарурат бўлганда, Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс-назорат департаменти томонидан Банк бошқарув Раисига таклифлар киритилади.

Киритилди:

Комплаенс-назорат
департаменти директори

Ж.Юсупов

Келишилди:

Риск менежмент
департаменти директори

З.Усманов

Юридик департамент
Методология бошқармаси бошлиғи

С.Рахматуллаев


2.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини аниқлаш мезонлари

Эҳтимоли	Таърифи
Юқори	— Назорат тадбирларининг мавжуд эмаслиги; — Тартиб-таомилни ички хужжатлар ёрдамида аниқ тартибга солиниши мавжуд эмаслиги; — Тартиб-таомилни автоматлаштириш мавжуд эмаслиги/даражаси пастлиги
Ўртача	— Тартиб-таомил тартибга солинган ва назорат тадбирлари жорий этилган; — Тартиб-таомил тартибга солинган, бироқ етарли даражада шаффоф эмас; — Камида учта шахс томонидан кросс-функционал назорат (таркибий бўлинмаларининг назорат қилиниши)ни кўзда тутувчи Банк ички хужжатлари билан тартибга солинган; — Тартиб-таомил қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган
Паст	— Тартиб-таомил тартибга солинган; — Камида учта шахс томонидан кросс-функционал назорат (таркибий бўлинмаларининг назорат қилиниши)ни кўзда тутувчи Банк ички хужжатлари билан тартибга солинган назорат мавжудлиги; — Тартиб-таомил тўлиқ автоматлаштирилган

2.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик) даражасини аниқлаш мезонлари

Оқибат даражаси	Обрўга путур етказиш	Жавобгарлик
Юқори	—Хавф-хатар Банкнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги обрўсига сезиларли равишда путур етказди.	—Банк ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш учун тегишли органларга хужжат юбориш ташаббуси билан чиқиш
Ўртача	—ОАВда салбий ҳодисанинг ёритилиши; —Аҳоли ва ҳамкорлардан салбий фикрлар ва шикоятлар олиш; —Хавф-хатар Банк обрўсига маҳаллий даражада путур етказди.	—Банк ходимларига нисбатан маъмурий суриштирув ўтказиш учун хужжатларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юбориш ташаббуси билан чиқиш
Паст	—Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан вазиятга изоҳ беришни сўраб алоҳида сўровлар тушиши мумкин	—Банк ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш мумкин

2.1-расм. Хавф-хатар даражасини аниқлаш матрицаси



*“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш Услубиётига
3 илова*

**Коррупция хавф-хатарига энг кўп эҳтимоли мавжуд бўлган лавозимлар
РЎЙХАТИ**

№	Банк муассасаси	Таркибий бўлинма номи	Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда)
1.1.			
...			
2.1.			
...			

*“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш Услубиётига
4 - илова*

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг
коррупцияга қарши курашиш дастури**

Т.р.	Банк муассасаси	Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб- таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (Ф.И.Ш., лавозими)
1.1.					
1.2.					
...					
2.1.					
2.2.					
...					

Лавозим _____ Имзо/Сана _____ Ф.И.Ш _____